2017 ЙИЛ 18 АВГУСТ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169 (13.502)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 август куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси мудофаа вазири Сакен Жасузоқовни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида самарали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги алоқалар туфайли барча йўналишларда ўзаро ҳамкорлик фаоллашаётгани қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, автомобиль, темир йўл ва авиация қатнови соҳасида амалий ҳамкорлик сезиларли даражада кенгайиб, минтақалар ўртасида шериклик мустаҳкамланмоқда, Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим ва истиқболли йўналиши сифатида белгиланган. Хусусан, суҳбат чоғида мамлакатларимиз мудофаа маҳкамалари ўртасида, жумладан, саноат кооперацияси ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди.

С.Жасузоқов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмон ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳада мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга Қозоғистон тайёр ва бундан манфаатдор эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## ОДАМЛАР ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИНИНГ ҲАР БИР ХОДИМИДА ЎЗ ҲИМОЯЧИСИНИ КЎРИШИ КЕРАК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август куни Тошкентда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, видеоселектор орқали Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, уларнинг ёшлар ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосарлари, жамоат ташкилотлари, ички ишлар органларининг таркибий бўлинмалари мутасаддилари иштирок этди.

Йиғилишда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масалалари Президентимиз томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида энг муҳим ва устувор ўрин эгаллайди. Дарҳақиқат, бу масала бугун юртимизда барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг энг асосий шарти ва гаровидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг фаолияти самарадорлигини замонавий босқичга кўтаришдек ғоят мураккаб вазифа доимий равишда кун тартибига қўйиб келинмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида, айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги иш услублари жорий этилди ва бу соҳада яхлит ҳуқуқий тизим яратилди.

Профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда турли бўғиндаги ҳокимлар ва шаҳар ички ишлар бўлимлари раҳбарларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозимлари жорий этилди.

Бу соҳада парламент ва жамоатчилик назорати кучайтирилди. Сенат ва маҳаллий Кенгашларда масъул шахсларнинг ҳисоботларини танқидий муҳокама қилиш, улар фаолиятини баҳолаш бўйича янги тизим яратилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиялари ташкил этилди.

Энг муҳими, ҳар пайшанба "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" этиб белгиланиб, ҳафтанинг шу кунида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар қатъий, аниқ ва тизимли равишда ўтказиб келинмоқда.

Натижада жиноятчилик камаймоқда. Хусусан, жорий йилнинг 7 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 4600 тага камайди. Жумладан, қасддан одам ўлдириш 72 тага, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 75 тага, босқинчилик 81 тага, безорилик 401 тага камайди.

Энг муҳими, вояга етмаган шахслар томонидан жиноят содир этиш 12,8 фоиз, аёллар жиноятчилиги 3,84 фоиз камайишига эришилди.

Маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан биргаликда олиб борилган кенг қамровли профилактика тадбирлари натижасида 1765 та маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Жамоат жойларида ўрнатилган 114 мингдан ортиқ видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида қарийб 10 мингга яқин жиноят фош этилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар айрим ҳудудларда ишлар хўжакўрсинга, фақат қоғоз учун бажарилаётганини, бунинг оқибатида вазият ижобий томонга ўзгармаётганини кўрсатмоқда. Ҳамма жойда ҳам профилактик тадбирлар самарадорлиги етарли даражада таъминланаётгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти фақат содир этилган жиноятлар ва уларнинг очилиш даражаси ҳақида ахборот бериш билан чекланиб қолаётганини, ҳудудларда ўтказилган профилактик тадбирлар, уларнинг самарадорлигини танқидий таҳлил қилиш, жойларда ички ишлар органлари фаолиятини мунтазам мувофиқлаштириб бориш каби масалаларга жиддий эътибор бермаётганини қайд этди.

Вазирлик тизимида ечимини кутаётган бошқа муаммолар ҳам йўқ эмас.

Президентимиз таъкидлаганидек, айрим ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни барвақт аниқлаш ишлари қониқарли эмас. Масалан, республикамиз бўйича жиноятчилик кўрсаткичлари камайган, лекин Самарқанд вилоятида ошиб кетган. Бухоро, Навоий, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайган.

*(Давоми 2-бетда)*

## МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида 17 август куни Қозоғистон Республикаси мудофаа вазири Сакен Жасузоқов бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизда Қозоғистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда ҳамда дўстона муносабатлар юксак қадрланади. Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бутун Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ҳарбий, ҳарбий-техник ва ҳарбий таълим йўналишларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати хусусида сўз юритилди. Томонлар минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашди.

Тадбирда икки мамлакат Мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик режаси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ келгусида мудофаа соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш кўзда тутилган.

**У.ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий санъатимиз ва маданиятимизнинг қадимий марказларидан бири бўлган, кўплаб атоқли санъат ва маданият намояндалари етишиб чиққан Фарғона водийсининг бу борадаги алоҳида ўрни ва нуфузини, ижодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, истеъдодли ёшларни ўзбек ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рўёбга чиқариш, Фарғона водийси вилоятлари учун театр, халқ ижодиёти соҳаси бўйича актёрлар, маданиятшунослик ва санъатшунослик йўналишида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маданият ва санъат соҳасида фундаментал билим ва тушунчалар, тарихий ва замонавий анъаналар, инновация технологияларини, давлат стандарти бўйича белгиланган билим ва малакаларни пухта эгаллаган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

тайёрланаётган мутахассис кадрларга меҳнат бозоридаги реал талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда, юқори сифатли билим ва малака бериш;

битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича буюртмаларни шакллантириш;

профессор-ўқитувчилар таркибининг ўз касб соҳасидаги билим ва тажрибаси, илмий-ижодий салоҳияти ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириш;

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш ва республика банк-молия тизими фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) давлат муассасаси шаклида ташкил этилсин ва кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шаклда молиявий ёрдам кўрсатиш унинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

а) кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур қарорда қайд этилган мақсадларга кредит ажратиш учун тижорат банкларига, жумладан, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар ажратиш;

б) кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизигача, аммо 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш;

в) тижорат банкларининг қиймати 1 миллион АҚШ долларидан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш:

миллий валютада – қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкасида – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизигача бўлган миқдорида;

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани Деҳқонобод шаҳарчасидаги Намуна маҳалласида 32 оилага мўлжалланган 2 қаватли иккита уй фойдаланишга топширилди.**

**• Наманганда "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2017 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган танловда вилоятдаги ижодий ташкилотлар вакиллари, шоир-ёзувчилар, журналистлар, рассом ва тасвирий санъат усталари иштирок этди.**

**• Бухорода "Адолатли қайнона" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 8 қайнона иштирок этди. Иштирокчиларнинг фарзанд тарбияси, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, партия фаолиятига доир билими ва дунёқараши синовдан ўтказилди.**

**• Андижонда пилла етиштириш, пилла ва ипак толасини қайта ишлашга ихтисослашган "Andijon silk" корхонасини барпо этиш лойиҳаси ҳамда хорижий технология асосида яратилган янги тут нави тақдимоти бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Хитойнинг Шэньси вилоятида дунёдаги энг катта қум ҳайкали бунёд этилди. Ушбу улкан ҳайкал мажмуаси чўл ўртасидаги майдонда қад ростлаган бўлиб, "Лоулань қироллиги" (милоддан аввалги Хитойдаги қадимий қироллик) деб ном олган ушбу иншоотнинг баландлиги 25 метр, асоси эса 400 метрни ташкил этади. Қизиғи шундаки, мазкур улкан ҳайкал тўлиқ қумдан ясалган бўлиб, фақат усти елим билан қоплаб чиқилган.**

**• Норвегиялик экстремаллар самода 52 парашютчининг ўзаро бирлашиб, қор парчаси шаклини ҳосил қилганлари ҳолда ўзига хос миллий рекорд ўрнатдилар.**

**• Буюк Британиялик машҳур актёр Даниэль Крейг бешинчи ва сўнгги бор машҳур киноқаҳрамон Жеймс Бонд ролини ижро этишга розилик берди. Ушбу туркумдаги 25-фильмнинг 2019 йил 8 ноябрда экранларга чиқиши кўзда тутилмоқда.**

## ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН!

### 19-20 АВГУСТ – УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда, жумладан, Тошкент шаҳрида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилаяпти. Айниқса, кенг жамоатчилик томонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор бериб келинмоқда. Халқимизда "Ҳашар – элга ярашар" деган нақл бор. Шунга амал қилган ҳолда жойларда ҳашарлар ташкил этилиши ҳудудлар ободлигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда байрамлар ва қутлуғ кунлар олдидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва орасталашга муҳим эътибор қаратган ҳолда ҳашарлар ўтказиш хайрли одатга айланган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 19-20 август кунлари юртимизда, шу жумладан, пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

***АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!***

***ҲАР БИРИМИЗ, ОИЛАМИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЛАН БИРГАЛИКДА УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!***

# ОДАМЛАР ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИНИНГ ҲАР БИР ХОДИМИДА ЎЗ ҲИМОЯЧИСИНИ КЎРИШИ КЕРАК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шу билан бирга, кўп бор таъкидланганига қарамасдан, жойларда профилактика масаласига етарлича эътибор берилмаяпти. Масалан, Самарқанд вилоятида содир этилган 49 қотилликдан 14 таси, Жиззах вилоятида 10 тадан 4 таси, Навоий вилоятида 10 тадан 3 таси, Қашқадарёда 30 тадан 6 тасининг олдини олиш учун тўлиқ имкониятлар мавжуд бўлган – маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторлари муайян жиноят эҳтимолидан бохабар бўлса-да, бирор чора кўрмаган.

Бу борада яна бир муҳим масала – ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш фақат ички ишлар органининг вазифаси деган эскича қарашдан воз кечилмагани билан боғлиқдир. Хусусан, содир этилган оғир жиноятларнинг ҳар бешинчисига оилавий турмуш муносабатлари сабаб бўлган. Ваҳоланки, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари оилавий келишмовчиликларни ўрганиб, ўз вақтида бартараф этиши мумкин эди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу муносабат билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи раҳбарларига тегишли хулоса чиқариб, ҳамкорликда оилавий низолар, қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар ва шу каби бошқа можароларнинг туб сабабларини аниқлаш, уларнинг ечимини топиш, томонларни яраштириш юзасидан зарур чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказиш, маъмурий назорат юритиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу борадаги ишларда ҳам айрим оқсокликлар кўзга ташланмоқда. Мамлакат бўйича 12 мингга яқин маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин бўлган шахслардан 6377 нафарига бундай чора кўрилмаган. Ҳолбуки, мана шундай чора уларнинг эртага яна жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик йўлига кириб кетмаслигига кафолат бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир судланган шахсни ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг давлат ва жамиятга душман эмас, дўст бўлишини таъминлашимиз шарт. Бундай шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Давлатимиз раҳбари халқаро терроризм, диний экстремизм, жамиятда, айниқса, ёшлар ўртасида ёт ғоялар тарқалиши каби хавф-хатар ва таҳдидлар мутасадди идоралар томонидан ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва чек қўйишга доир кескин чора-тадбирлар кўришни талаб этаётганини таъкидлади.

Жойларда кўплаб чора-тадбирлар, дастурлар қабул қилинган, бироқ уларнинг салмоқли қисмининг ижроси қоғозда қолиб кетмоқда.

Узоқ муддат хорижда бўлиб келган шахслар билан иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. 2017 йилда 67 мингдан ортиқ юртдошимиз чет элдан қайтиб келгани аниқланган. Жойлардаги раҳбарлар ўз вақтида бундай шахслар чет элда иш излаб сарсон бўлишининг олдини олиш мақсадида уларга ҳар томонлама кўмак бериши, ўз уйида, фарзандлари бағрида ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратишда яқиндан ёрдам кўрсатиши лозим эди. Ҳозирги кунда хориждан қайтиб келган кўплаб фуқароларимиз ишга жойлаштирилмагани мутасадди ташкилотлар томонидан бу масалага етарлича аҳамият берилмаётганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари вояга етмаганлар ўртасида ножўя ва жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, қонунга ҳурмат, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишлари суст бажарилаётганини қайд этди.

Бу соҳада ҳали-ҳануз назорат ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти ягона мақсадга йўналтирилмаган. Бола учун мактабда – мактаб, уйда – ота-она, маҳаллада – фаоллар жавобгар, деган эскича қараш йўқолмаган.

Аксарият ҳудудларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш ҳам раҳбарлар назоратидан четда турибти. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Жиззах, Наманган, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида уюшмаган ёшлар томонидан жиноят содир этиш кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси ва Ички ишлар вазирлигига барча бўғиндаги ҳокимлар ва ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, тегишли таклифлар киритиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда жиноятларни фош этиш, жиноятчиларни топиш ва ушлаш борасидаги ишлар танқид қилинди. Бугунги кунда 3 минг 186 жиноят фош этилмаган, қидирув эълон қилинган 15 минг 958 жиноятчидан атиги 5 минг 250 нафари ушланган. Уларнинг эркинликда юриб қайтадан жиноятга қўл урмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шу боис Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Олий суд тегишли ташкилотлар билан биргаликда бу соҳада ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни танқидий таҳлил қилиб, ахборот бериши белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, барча камчиликлар, аввало, ички ишлар органларида кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш бўйича ишлар аҳволининг қониқарсизлиги билан боғлиқ. Жорий йилда ички ишлар органлари ходимларига нисбатан 223 та жиноят иши қўзғатилгани, 462 ходим интизомий жазога тортилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ходимлари содир этган жиноятларни яшириш, рўйхатга олмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу қоғозда жиноят кўрсаткичларини сунъий равишда пасайтиришга, ўз ходимларини ҳимоялашга уринишдан бошқа нарса эмас.

Соҳада кадрлар масаласини самарали ҳал қилиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ички ишлар академиясига ўқишга кириш учун тест синовлари бекор қилиниб, янги тартиб белгиланди. Унга кўра, Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасаларига номзодларни мақсадли тайёрлайдиган академик лицейлар ташкил этилади. 2020 йилдан бошлаб тингловчилар ўқишга мана шу лицейлар битирувчилари ва ички ишлар органлари ходимлари орасидан суҳбат ва касбий танлов асосида қабул қилинади.

Иш фаолияти самарали бўлиши учун шароит ҳам етарли бўлиши керак, албатта. Шу маънода, ички ишлар органлари ходимлари, биринчи навбатда, профилактика инспекторларига хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларни ўзлари хизмат қилаётган ҳудудда уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Аммо жойларда бу борадаги топшириқлар ижроси суст кетаяпти.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга бу ишларни фаоллаштириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Қайд этилганидек, ҳудудларда ички ишлар органлари фаолиятида камчиликлар юзага келиб, узоқ муддат ечилмаётганида маълум маънода туман ва шаҳар прокурорларининг ҳам айби бор. Прокуратуранинг асосий вазифаларидан бири ички ишлар органлари қонунларни қандай ижро этаётганини назорат қилиш, жиноятчиликка қарши курашишда улар билан фаолиятни мувофиқлаштиришдан иборат. Лекин айрим прокуратура ходимлари таниш-билишчилик туфайли бу вазифани виждонан адо этмаяпти. Бир сўз билан айтганда, ички ишлар органлари фаолияти устидан прокурор назорати етарли даражада ўрнатилмаган.

Шу муносабат билан Бош прокуратура раҳбариятига ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали прокурор назорати ўрнатиш ва прокурорларнинг шахсий масъулиятини оширишни таъминлаш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштиришда тизимни ислоҳ қилишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Ички ишлар органларини ислоҳ қилиш жараёнида Олий Мажлис Сенати янада фаоллик билан ишлаши зарур. Йиғилишда кўтарилган камчиликлар Сенат бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариши лозимлигини кўрсатмоқда.

Туман ва шаҳар ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарларига ҳудудларни ўзаро тақсимлаб олган ҳолда фаолият кўрсатиш вазифаси топширилган. Лекин жойларда тақсимлаш кўр-кўрона амалга оширилган.

Сенат бу соҳадаги ишлар самарасини ошириш, ички ишлар тизимини энг намунали соҳага айлантириш бўйича тегишли вазирликлар билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Хусусан, ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари ҳисоботини тинглаш ва тегишли қарорлар қабул қилишга янада жиддий ёндашиш зарур. Қуйи бўғинда эса жойлардаги ички ишлар органлари раҳбарлари маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот беришини янада самарали ташкил этишга кўмаклашиш керак.

Давлатимиз раҳбари одамлар ўзини қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун тўла ишонч билан, аввалам бор, ички ишлар идораларига, профилактика инспекторларига мурожаат қилишига, ҳар бир ходимда ўз ҳимоячисини кўришига эришиш зарурлигини таъкидлади. Шундагина ички ишлар органлари халқ ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонади.

Йиғилишда Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланди.

Сўзга чиққанлар Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари муҳокамадан ўзига тегишли хулоса чиқариб олиб, йиғилишда кўтарилган ва соҳадаги мавжуд бошқа камчиликларни бартараф этиш йўлида астойдил ҳаракат қилишини таъкидладилар.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИНИНГ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

таълим жараёнига замонавий педагогик ва инновацион технологияларни, маданият ва санъат соҳасида илм-фан бўйича эришилган илғор ютуқларни татбиқ этиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалининг намунавий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалини ташкил этиш, унинг моддий-техника базасини барпо этиш, ўқув ва илмий-педагогик салоҳиятини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарур ҳолларда, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Филиалга:

2017/2018 ўқув йили учун "5150300 – актёрлик санъати (турлари бўйича)" таълим йўналишига бакалаврлар тайёрлаш бўйича жами 25 та – шундан 10 таси давлат грантлари, 15 таси тўлов-контракт асосида – қабул квотаси ажратилади;

2017/2018 ўқув йили учун қабул жараёни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалининг Уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Филиалда ўқув-методик жараёнларнинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг Қўқон шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 3А-уйда жойлашган Қўқон туризм ва сервис касб-ҳунар коллежининг уч қаватли асосий биносининг бир қисмини Филиалга бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш ҳамда Филиал фаолиятини мазкур бинода ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази Қўқон туризм ва сервис касб-ҳунар коллежининг Қўқон шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 3А-уйда жойлашган биносининг бир қисми Филиалга берилиши муносабати билан мазкур коллеж фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йили ва кейинги йиллар учун Филиалга ўқишга қабул қилишнинг 50 нафардан кам бўлмаган квотасини истиқболда Фарғона водийси ҳудудларини ривожлантириш билан боғлиқ дастурларни, ҳар қайси тармоқда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, йиллар бўйича аниқ йўналишларни белгилаб, касб ва таълим йўналишларини (мутахассисликларни) кўрсатган ҳолда ишлаб чиқишни назарда тутсин;

2017/2018 ўқув йили бошланишига қадар Филиалнинг таълим йўналишларини давлат таълим стандартлари ҳамда тегишли малака талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари, фан дастурлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Филиал фаолиятини юритиш билан боғлиқ харажатлар 2017 йилда таълим соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан келадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга хизмат кўрсатадиган 1 та енгил автомобиль учун лимит ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4 июндаги ПҚ–1771-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ташкилий тузилмаси рус тилидаги матнидаги "Нукусский филиал" блокидан кейин "Ферганский региональный филиал" блоки билан тўлдирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Юнусходжаев ҳамда Фарғона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 16 август*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

хорижий валютада – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Жамғарма бош битимлар асосида тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлайди ва тижорат банкларига ресурсларни тақдим этади.

2. Қуйидагилар Жамғарма ресурс базасининг манбалари этиб белгилансин:

Тошкент шаҳридаги Кичик саноат зоналари кафолат жамғармасини ва Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини кейинчалик тугатиш ва уларнинг тегишли равишда 50 миллион доллар ҳамда 100 миллиард сўм миқдоридаги пул маблағлари шаклида ушбу қарорнинг 1-иловасида қайд этилган ташкилотлар бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган Жамғарманинг бошланғич бадали;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йили тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари, 2017 йилда Жамғарма ресурс базасини шакллантириш учун – 100 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик соф даромадининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг, жумладан, депозитларни жойлаштириш, кафолатлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғарма ресурс базасини тўлдириш учун ҳар йили маблағ ажратишни кўзда тутсин.

3. Белгилансинки, Жамғарма тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолат ва компенсациялар, шунингдек, тижорат банкларига қуйидаги соҳаларда лойиҳалар амалга оширилишини молиялаштириш учун ресурслар тақдим этади:

қишлоқ хўжалигида, биринчи навбатда, энергия самарадорлиги юқори замонавий иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, узумчилик ва боғдорчиликни, шу жумладан, интенсив боғларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида – мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича инфратузилма ва ушбу маҳсулотларни транспортировка қилиш билан боғлиқ логистика марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар;

кўп квартирали уйларда умумий фойдаланиладиган жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш лойиҳалари;

тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа йўналишларидаги лойиҳалар.

4. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси бошқариш бўйича кенгаш таркиби (кейинги ўринларда Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш) 2-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижроия дирекцияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Жамғармани бошқариш бўйича кенгашга, зарур ҳолларда, Жамғарма ижроия дирекцияси тузилмасига бошқарув ходимлари умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Жамғарма ижрочи директори мақомига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилсин.

6. Жамғарма барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин ва бўшаган маблағлар унинг ресурс ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирилсин.

7. Жамғармани бошқариш бўйича кенгаш 2018 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тармоқлар ва тадбиркорлик фаолияти йўналишларини янада кенгайтириш, шунингдек, Жамғарма маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватланадиган лойиҳаларни амалга оширишга доир таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги босма ва электрон оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этган ҳолда, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ушбу қарор мақсад ва вазифаларини аҳоли ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида мунтазам ва ҳар томонлама тизимли асосда ёритишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А.Қўчқоров, Марказий банк раиси М.Б.Нурмуротов, Савдо-саноат палатаси раиси А.И.Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 17 август*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай имкониятлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"-ги қарори ҳам хусусий тадбиркорликни, аввалам бор, микрофирма ва кичик корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг жадал ривожланиши учун қўшимча шарт-шароит яратиш, имкониятларни кенгайтиришга қаратилган.

Қарор асосида ташкил этилаётган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида қатор вазифалар юклатилмоқда.

Жумладан, тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун миллий ва хорижий валютада, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар тақдим этилади.

Жамғарманинг тижорат банклари томонидан берилаётган кредит миқдорининг 50 фоизигача (кредит миқдори 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган тақдирда) ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, жамғарма томонидан тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда амалдаги таъминотнинг чекланган миқдори 100 минг АҚШ долларига тенг ҳажмдаги маблағни ташкил этади. Ушбу маблағ миқдорини беш баробар кўпайтириш, шубҳасиз, тижорат банклари кредитларини жалб этган ҳолда йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида қўшимча имкониятлар яратади.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафолат ва компенсациялар, тижорат банкларига эса қуйидаги йўналишдаги лойиҳалар бўйича кредит ажратиш учун ресурслар тақдим этади:

қишлоқ хўжалиги соҳасида, биринчи навбатда, энергия тежамкорлиги юқори замонавий иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, узумчилик ва боғдорчиликни, жумладан, интенсив боғларни ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, жумладан, интенсив боғларда етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасида – ушбу маҳсулотларни сақлаш бўйича инфратузилма ва транспортировка қилиш билан боғлиқ логистика марказларини ташкил этиш;

кўп қаватли уйлар атрофидаги умумий фойдаланишга мўлжалланган жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш;

тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа йўналишлари учун.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ишончли ресурс базасини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмини яратиш мақсадида қарорда Тошкент шаҳридаги Кичик саноат зоналари кафолат жамғармаси ва Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини тугатиш, уларга тегишли бўлган 50 миллион АҚШ доллари ва 100 миллиард сўм миқдоридаги маблағларни янгидан тузилаётган жамғарма ҳисобига ўтказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йили тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари (2017 йилда – 100 миллиард сўм), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки йиллик соф даромадининг Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳамда Жамғарманинг депозитларни жойлаштириш, кафолатлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар Жамғарма ресурсларининг қўшимча манбалари сифатида белгиланди.

Қабул қилинган ушбу қарор республика банк-молия тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий ҳимоя қилиш ва кафолатларини таъминлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, бизнес субъектларининг кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилади.

Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!

# ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИДА ЁШЛАР КЎПРОҚ ҚАТНАШМОҚДА

O'ZBEKISTON 26 МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Зиё" тантаналар масканида отахону онахонлар, маҳаллалар фаоллари, ёшлар жам бўлган. Бир пиёла чой устида кечаётган самимий ва қизғин суҳбатга устоз санъаткор Рихси Иброҳимова, шоир Шермурод Субҳоннинг Ватанимиз ободлиги ва фаровонлиги, оилаларимиз тотувлиги, фарзандларимиз камоли истиқлол берган неъматлар асосида бунёд бўлаётгани ҳақидаги таъсирли сўзлари чуқур маъно бермоқда...***

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами олдидан "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган шу каби тарғибот тадбирларига Республика Маънавият ва маърифат маркази бош-қош бўлмоқда.

Мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувларда истиқлол йилларида изчил олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, демократик ўзгаришларга аҳоли, айниқса, ёшларнинг дахлдорлик туйғусини ошириш, осуда ҳаётимизнинг қадр-қимматини аҳолига таъсирчан воситалар ёрдамида тушунтириш мақсадида марказ томонидан тарғибот гуруҳлари шакллантирилди. Уларда олий таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчилари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, рассомлар, театр ва кино актёрлари, режиссёрлар, эстрада хонандалари жамланган. Тадбирларда "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" мавзуида тайёрланган тарғибот материаллари, услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тезис ва слайдлардан фойдаланилмоқда.

– Президентимизнинг жорий йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида марказимиз томонидан шу кунгача маҳалла гузарлари, истироҳат боғлари, дала шийпонлари, меҳнат жамоалари, ёзги оромгоҳлар ва Меҳрибонлик уйларида ташкил қилинган маънавий-маърифий тадбирларда қарийб 30 мингга яқин аҳоли қатнашди, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими Ш.Хонимов. – Эътиборлиси, иштирокчиларнинг 60 фоизини ёшлар ташкил қилди. Бу натижага эришиш учун тарғибот тадбирларини олис ҳудудлардаги уюшмаган ёшлар ўртасида кўпроқ ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Малоҳат ҲУСАНОВА**

***Мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар саноатини янада ривожлантириш мақсадида дастурлаш спортини оммалаштириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда дастурлаш спортининг ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда шу ҳақда сўз юритилди.***

# ДАСТУРЛАШ СПОРТИ ОММАЛАШМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, "Uzinfocom" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази вакиллари, мамлакатимизнинг шу йўналишдаги олий таълим даргоҳлари ўқитувчилари, талабалари, дастурлаш бўйича республика танловлари ғолиблари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистонда дастурлаш спорти яқинда пайдо бўлганига қарамай тобора оммалашаётгани таъкидланди. Бунда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларига фаол жорий этилаётган ахборот технологияларини жадал ривожлантиришга қаратилаётган эътибор муҳим омил бўлаётир. Ёш дастурчилар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва улар яратаётган дастурий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ахборот технологиялари соҳасидаги хўжалик субъектлари ҳамда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирадиган Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация марказини ташкил этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда дастурлаш спортини ривожлантиришга қаратилган ёш дастурчилар танловлари, олимпиада ва турли мусобақалар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар АКТни оммалаштириш билан бирга, бошқа қатор муҳим масалаларни ҳал этишга ҳам хизмат қилади.

Семинарда дастурлаш спортининг ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Дастурлаш спорти бўйича мусобақалар иштирокчилари ижодий фикрлашни, мураккаб вазиятларни якка тартибда ёки жамоа бўлиб бартараф этишни ўрганади, энг сўнгги технологияларни ўзлаштириб, уларни ўз дастурий махсулотларида қўллашга ҳаракат қилади.

Тадбирда юртимизда дастурлаш спортини янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

*Маҳмуд ТОИР,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

## ИККИЛИКЛАР

**Тўкилсанг, тўлишни ўйлаб тўкилгин,**
**Букилсанг, ростлашни ўйлаб букилгин.**
* * *
**Нодон номи билан четга сурилгай,**
**Шапалоқ без бўлган бетга урилгай.**
* * *
**Атиргул тикони посбонимикин,**
**Тикони иффатин имконимикин.**
* * *
**Ҳаргиз олдда юрмоқ истасанг,**
**Истак вожиб ақлинг қистасанг.**
* * *
**Армонга эланган орзуга қийин,**
**Тош билан тортишган туйғуга қийин.**
* * *
**Оқшомнинг ороми - уйқу лаззати,**
**Бедорсан, ғолибдир иймон қудрати.**
* * *
**Қўл билан тутганинг ўзингникидир,**
**Қолгани барчаси кўзингникидир.**
* * *
**Туртиб ўтганингга тошлар тўлғонмас,**
**Бўронни кўрмаса уммон уйғонмас.**
* * *
**Буғдойни асраган сомони бўлгай,**
**Ғурур бу – қадрнинг қалқони бўлгай.**
* * *
**Гар ҳаётда бўлмасанг холис,**
**Дўст-ёр сендан кундан-кун олис.**
* * *
**У роҳатни шаробда кўрди,**
**Кейин ўзин харобда кўрди.**
* * *
**Сен меҳрни кўздан қочирдинг,**
**Ҳурматни ҳам ўздан қочирдинг.**
* * *
**Қадринг кетса қорда қолгайсан,**
**Ўзинг уйингда зорда қолгайсан.**
* * *
**Ҳар иш сенга осон кўринди,**
**Имконларинг ёлғон кўринди.**
* * *
**Орзуси йўқ одамларга яшаш қийин,**
**Умр бўйи армон ошин ошаш қийин.**
* * *
**Қўлдан учган қушинг қайтарми?**
**Ўзга кафтга олқиш айтарми?**
* * *
**Гар савобга қўлинг очилмас,**
**Юз йил юрсанг йўлинг очилмас.**
* * *
**Дил нурининг қатида меҳр отлиғ**
**ҳикмат бор,**
**Меҳрибонлар мадҳида шоир учун**
**ҳикмат бор.**
* * *
**Омад қўлдан кетса бошқаси келар,**
**Ниятни хуш қилсанг, ошнаси келар.**
* * *
**Олма пишса кимдир арчади,**
**Инсон қадрин нафси янчади.**
* * *
**Куннинг кўзи – тонгнинг сўзидир,**
**Тонгнинг ўзи – ҳаёт юзидир.**
* * *
**Дил бир, тил бир, сўзни топмадинг,**
**Сен ўзингдан ўзни топмадинг.**
* * *
**Пистани-ку, чақиб ташламоқ осон,**
**Ва лекин пистадек чақилмоқ ёмон.**
* * *
**Остонани ҳатлаб ўтдинг, уйдасан,**
**Рўзғор деган ғичир-ғичир куйдасан.**
* * *
**Қитирлайди қалам бир-бир қоғозда,**
**Ташбеҳ топсанг, бирам ширин овозда.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ҳамшаҳарлар диққатига!

***Тошкент шаҳрида 2017-2018 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2017 йил 4 сентябрдан 22 сентябрга қадар, иссиқлик истеъмолчиларини иссиқ сув бўйича чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамликка ва зичликка (юқори босим) синовлари ўтказилади.***

**Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зоналари манзили рўйхати:**

**1-ИМ (М-1,4)**
**20 сентябрь** – Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Навниҳол, Бўз, Сайрам 6-тор кўчаси, Чуст, Сайрам 7-тор кўчаси, Катта Дархон, Геология, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Ниёзбек йўли, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Боғишамол, Паркент, Қаландар, Ясси, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, Яланғоч, Бўз-1 даҳалари, Тош ГРЭС посёлкаси, Ҳамид Олимжон майдони.

**2-ИМ**
**7 сентябрь** – Мирзо Улуғбек, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, Шаҳриобод, Салом, Дўрмон йўли кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой даҳалари, Геофизиклар посёлкаси.

**3-ИМ (М-1,4)**
**5 сентябрь** – Бунёдкор шоҳ кўчаси, Навоий, Олмазор, Беруний, Ислом Каримов, Қоратош, Фурқат, Афросиёб, Кичик ҳалқа йўли, Самарқанд дарвоза, Абай, Ҳувайдо, Гулобод, Абдулла Қодирий, Кўкча дарвоза, Бешёғоч, Нурафшон, Пахтакор, Зиё, Шифонур, Талабалар кўчалари, Чорсу майдони, Чорсу, Қоратош, Олмазор, Бешёғоч, М-10,11,13,14, М-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3, Қорақамиш 2/1, 2/2 турар жой даҳалари.

**4-ИМ (М-0,1)**
**14 сентябрь** – Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бодомзор йўли, Кичик ҳалқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўрик, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Боғиравон, М. Турғунбоева, Гулсарой, Себзор, Олтинсой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Сағбон, Қорақамиш кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, М-1,2,4,5,6,12,15, М-17, 18 (Себзор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 даҳалари, Ҳамид Олимжон майдони.

**4-ИМ (М-4,8)**
**11 сентябрь** – Амир Темур шоҳ кўчаси, Аҳмад Дониш, Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Катта ҳалқа йўли, Кичик ҳалқа йўли, Чинобод, Шаҳристон, Уч Қаҳрамон, Мойқўрғон, Қулоқтепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамасжид, Юнусобод даҳаси 1-19 мавзелари.

**5-ИМ (М-0,4)**
**19 сентябрь** – Чилонзор даҳаси 5-12, Г9А, 16-20, 24-26, М, 20А мавзелари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий-1, 2 турар жой даҳалари, Заргарлик, Лутфий, Нурафшон, Гулханий, Чилонзор, Қатортол, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Самарқанд дарвоза, Байналмилал, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин, М. Шайхзода кўчалари, Қатортол 1-тор кўчаси, Оқтепа мавзеси.

**6-ИМ**
**11 сентябрь** – Мунис, Сарикўл, Эски Сарикўл, Янгизамон, Янги Қўйлиқ, Абдурауф Фитрат, Фарғона йўли, Толлимаржон, Файзиобод, Меҳржон, Сайхун, Сурхон кўчалари, Қўйлиқ-1-7, Қўйлиқ-Айланма турар жой даҳалари.

**7-ИМ**
**4 сентябрь** – Қорасув, Бешариқ, Бирлашган, Элбек, Асалобод, Қурувчилар, Уйсозлар кўчалари, Оҳангарон шоссеси, Тузель-1,2,3,4, ДСК-1, Асалобод-1,2, Авиасозлар шаҳарчаси -1, 1а, 2,3,4 турар жой даҳалари.

**8-ИМ**
**18 сентябрь** – Сергели 1-8А, Йўлдош- 8,15,16,17, 18, Дўстлик-1,2 турар жой даҳалари, Янги Сергели йўли, Меҳригиё, Сўғдиёна, Қипчоқ, Чинор, Давлатобод, Дўстлик, Мирзо Турсунзода, Жаҳонаро, Қўрғонтепа кўчалари.

**9-ИМ**
**21 сентябрь** – Чилонзор даҳаси 9, Г9А, 10,13-15,15А, 21-25,30,31 мавзелари, Шарқ, Ал-Хоразмий-1,2, Бешқайрағоч, Гулистон, Изза турар жой даҳалари, Тақачи, Гулистон, Ширин, Лутфий, Катта ҳалқа йўли, Ўрикзор, Катта Хирмонтепа, Кичик ҳалқа йўли, Бешқайрағоч, Тўқимачи, Нашриёт, Ю.Саккокий, Фозилтепа, Фарҳод кўчалари, Ўрикзор бозори доирасида.

**10-ИМ**
**12 сентябрь** – Фаробий, Беруний, Мухбир, Мирзо Ғолиб, Шифокорлар, Талабалар, Қамарнисо, Катта ҳалқа йўли кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, Шифокорлар 2-кўчаси, Университет кўчаси, Ёшлик, Чимбой, Жарариқ, Қорақамиш-2/3, 2/4, Бешқўрғон- 1,2,3,4, Қамарнисо, ЎзМУ – ТошДТУ, Олимпия, Ибн Сино 1,2, Белтепа даҳалари, Шифокорлар шаҳарчаси.

**ИЭМ (М-0)**
**22 сентябрь** – Ш.Рашидов, Бобур, Шота Руставели, Боғибўстон, Арнасой, Катта Чилонзор, Афросиёб, Шоҳжаҳон, Ж.Шоший, Шаҳрисабз, Фидокор, А.Авлоний, Белариқ, Имом ат-Термизий, Ойбек, Миробод, Ўрикзор, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Боғтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Чилонзор даҳаси 1ч5, Е, И мавзелари, М-7 турар жой даҳаси.

**ИЭМ (М- 5, 8)**
**8 сентябрь** – Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Навоий, Бобур, Глинка, Ойбек, Қумариқ, Я. Ғуломов, Зарафшон, Буюк Турон, Махтумқули, Истиқбол, Ислом Каримов, Афросиёб, Бухоро, Истиқлол, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Кичик Бешёғоч, А.Қаҳҳор, Гейдар Алиев, Олтинводий, Фидокор, Моштабиб, Миробод кўчалари, М-1,2,4,5,7, Қушбеги, Бошлиқ, Учувчилар шаҳарчаси турар жой даҳалари.

**"Водник" қозонхонаси**
**6 сентябрь** – "Сувсоз" турар жой мавзеси доирасида, Ҳусайн Бойқаро кўчаси.

**"Саноатэнерго" қозонхонаси**
**13 сентябрь** – "Қурувчи" турар жой мавзеси.

"Саноатэнерго" қозонхонаси таъсир доирасида 13 сентябрь куни иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тармоқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари талаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини тушунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезсангиз 215-72-73 телефони орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини режали кузги тўлиқ тўхтатиш мўлжалланмоқда.

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

| | |
|---|---|
| 1- ИМ "Шимолий-Шарқ" | 25 сентябрдан 29 сентябргача |
| 2- ИМ "Қорасув" | 11 сентябрдан 15 сентябргача |
| 3- ИМ "Ғарбий" | 11 сентябрдан 15 сентябргача |
| 4- ИМ "Шимолий" | 18 сентябрдан 22 сентябргача |
| 5- ИМ "Чилонзор" | 25 сентябрдан 29 сентябргача |
| 6- ИМ "Жанубий-Ғарб" | 18 сентябрдан 22 сентябргача |
| 7- ИМ "Авиасозлар" | 11 сентябрдан 15 сентябргача |
| 8- ИМ "Сергели" | 4 сентябрдан 8 сентябргача |
| "Водник" | 18 сентябрдан 22 сентябргача |
| "Саноатэнерго" | 25 сентябрдан 29 сентябргача |
| ТошИЭМ | 2 октябрдан 6 октябргача |

4-ИМ иссиқлик манбасининг тўхтатилиши даврида 10-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

5-ИМ иссиқлик манбасининг тўхтатилиши даврида 9-ИМ иссиқлик манбаси таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Иссиқ сув таъминоти ТошИЭМ, 1-ИМ, 2-ИМларнинг тўхташ даврида қуйидаги манзиллар бўйича бўлмайди.

**1-ИМ (М-4)**
**25 сентябрдан 29 сентябргача** – Мустақиллик шоҳ кўчаси, Мирзо Улуғбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним, Оққўрғон, Оққўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Навниҳол, Бўз, Сайрам 6-тор кўчаси, Чуст, Сайрам 7-тор кўчаси, Катта Дархон, Геология, Бодомзор йўли, И.Мўминов, Ниёзбек йўли, Кичик ҳалқа йўли, Дўрмон йўли, Шаҳриобод, Зиёлилар, Мирзакалон Исмоилий, Тамарахоним тор кўчаси, Паркент, Ҳамид Олимжон, Я. Ғуломов, Шаҳрисабз, Шастри кўчалари, Тошқишлоқмаш, Мавлоно Риёзий, М-1,2 даҳалари, Ҳамид Олимжон майдони.

**2-ИМ**
**11 сентябрдан 15 сентябргача** – Мирзо Улуғбек, Катта ҳалқа йўли, Темур Малик, Авайхон, Мингбулоқ, Феруза, Миришкор, Ш.Бурхонов, Р.Ҳамроев, Салом, Дўрмон йўли, Боғишамол, Наманган, Зарбулоқ, Қаландар, Ясси кўчалари, Яланғоч, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн, Феруза, Бўз-1, Бўз-2 турар жой даҳалари, Тош ГРЭС посёлкаси, Геофизиклар посёлкаси.

**ТошИЭМ**
**2 октябрдан 6 октябргача** – Амир Темур, Мустақиллик шоҳ кўчалари, Ислом Каримов, Навоий, Ш.Рашидов, Бобур, Глинка, Қумариқ, Я.Ғуломов, Буюк Турон, Махтумқули, Зарафшон, Истиқлол, Ойбек, Авлиёота, Миробод, С.Азимов, Саид Барака, Матбуотчилар, Сайилгоҳ, Элбек, Кичик ҳалқа йўли, Шаҳрисабз, Т.Шевченко, Нукус, Гейдар Алиев, А.Қаҳҳор, Фидокор, Олтинводий, Шота Руставели, Арнасой, Шоҳжаҳон, Д.Шоший, А.Авлоний, Белариқ, Имом ат-Термизий, Ўрикзор, Боғтепа 5-тор кўчаси, Жийдазор 1-тор кўчаси, Катта Чилонзор, Боғибўстон, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота, Боғистон, Нурафшон, Гулханий, Лутфий, Қатортол кўчалари, М-7, Қушбеги, Бошлиқ турар жой даҳалари, Чилонзор даҳаси 1-10, Е, И, М мавзелари, Оқтепа турар жой даҳаси, Оқтепа мавзеси, Учувчилар шаҳарчаси турар жой даҳаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети қошидаги ихтисослашган академик лицей ўз ошхона буфетини ижарага бериш учун тендер танловини эълон қилади. Ҳужжатлар 22 августга қадар Бектемир туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биносида қабул қилинади. 23 август куни соат 11.00да Бектемир туман ҳокимиятида бўлиб ўтади. Мурожаат учун телефон: 292-87-09

